2007 ЙИЛ, 8 ИЮНЬ, ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 109 (10.918)

Баҳоси эркин нархда

## ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМАСИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 7 ИЮНЬ КУНИ ОҚСАРОЙДА БАҲРАЙН ПОДШОҲЛИГИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИ ШАЙХ ХОЛИД БИН АҲМАД БИН МУҲАММАД ОЛ-ХАЛИФАНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ.**

— Сизнинг ташрифингиз Баҳрайн Подшоҳлиги ташқи ишлар вазирининг Ўзбекистонга илк ташрифи эканлиги билан ҳам муҳимдир, — деди давлатимиз раҳбари. — Ўзбекистон учун араб давлатлари билан муносабатлар устувор саналади. Шу маънода Баҳрайн билан ҳамкорлик биз учун муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон билан Баҳрайн ўртасида 1992 йилда дипломатия муносабатлари ўрнатилган. Мамлакатларимиз халқаро ташкилотлар доирасида сиёсий ҳамкорлик қилиб келади. Ташқи сиёсат маҳкамаларининг маслаҳатлашувлари йўлга қўйилган. Бу халқаро майдонда мамлакатларимиз бир-бирининг нуқтаи назарини қўллаб-қувватлашига хизмат қилмоқда.

Иқтисодий ҳамкорлик ҳақида гап кетганда, томонлар мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланаяпти, деб бўлмайди. 1997 йилнинг февраль ойида Баҳрайн нефть ва саноат вазири раҳбарлигидаги савдо-иқтисодий делегация Ўзбекистонга ташриф буюрганида ўзаро ахборот алмашиш масалалари ҳам алоҳида муҳокама қилинган эди. Шу мақсадда делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси, Ташқи ишлар ҳамда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирликларида музокара ўтказган эдилар.

Мутахассисларнинг фикрича, юртимизга Баҳрайн сармоясини жалб этиш, Ўзбекистондан у ёққа мева ва полиз маҳсулотлари экспорт қилиш, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи қўшма корхоналар тузиш ва сайёҳлик — ҳамкорликнинг истиқболли соҳалари саналади.

Ўзбекистон ва Баҳрайн гуманитар соҳадаги алоқаларни ривожлантириш бўйича улкан имкониятларга эга. Мамлакатларимиз олимлари, маданият ва санъат намояндалари, спортчилар ўртасидаги ҳамкорлик халқларимизни бир-бирига яқинлаштиришга хизмат қилиши табиий.

Бир неча йил аввал Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва Тадбиркор аёллар уюшмаси делегацияси Манамада ўтказиладиган йиллик хайрия бозорида қатнашди. Унда халқимиз амалий санъати буюмлари ва рассомларимизнинг асарлари намойиш қилинди. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси билан Баҳрайн Оналар ва болаларни ҳимоя қилиш жамияти ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги англашув протоколи имзоланган.

Оқсаройдаги учрашувда Шайх Холид бин Аҳмад бин Муҳаммад Ол-Халифа Ўзбекистонга ташрифи самарали кечаётганини, музокараларда ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш масалалари юзасидан атрофлича фикр алмашилганини таъкидлади. ISESCO томонидан Тошкент шаҳрининг 2007 йилда ислом маданияти пойтахти деб эълон қилинишида Ислом Каримов раҳбарлигида Ўзбекистонда амалга оширилаётган улкан янгиланишлар, мамлакатимизнинг тинчликпарварлик сиёсати муҳим омил бўлаётганини алоҳида таъкидлади. Самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон Республикаси билан Баҳрайн Подшоҳлиги ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва истиқболига оид ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама қилинди.

**(ЎзА)**

**МАМЛАКАТИМИЗДА БАҲРАЙН ПОДШОҲЛИГИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИ ШАЙХ ХОЛИД БИН АҲМАД БИН МУҲАММАД ОЛ-ХАЛИФА РАҲБАРЛИГИДАГИ ДЕЛЕГАЦИЯ МЕҲМОН БЎЛИБ ТУРИБДИ. УШБУ ТАШРИФ ДОИРАСИДА 7 ИЮНЬ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИДА ЎЗБЕКИСТОН ВА БАҲРАЙН ТАШҚИ СИЁСАТ МАҲКАМАЛАРИ ЎРТАСИДА ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК ВА МАСЛАҲАТЛАШУВЛАР ТЎҒРИСИДА ПРОТОКОЛ ИМЗОЛАНДИ.**

## БАҲРАЙН ДЕЛЕГАЦИЯСИ ТАШРИФИ

Мазкур ҳужжат мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатларни янада ривожлантиришни, сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий ва бошқа кўплаб соҳалардаги ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашни ҳамда томонларни қизиқтирган халқаро муаммолар ва ўзаро ҳамкорликка оид масалалар бўйича мунтазам равишда маслаҳатлашувлар ўтказиб бориш ва фикр алмашишни назарда тутади. Протоколга Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Владимир Норов ҳамда Баҳрайн Подшоҳлиги ташқи ишлар вазири Шайх Холид бин Аҳмад бин Муҳаммад Ол-Халифа имзо чекдилар.

Баҳрайн делегацияси аъзолари пойтахтимизда бунёд этилган Ҳазрати Имом (Ҳастимом) мажмуига ташриф буюриб, Ҳазрати имом жомеъ масжиди, Бароқхон мадрасаси, Мўйи муборак зиёратгоҳи каби иморатларни кўздан кечирди. Меҳмонлар бу ерда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилган кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларига юксак баҳо бердилар. Ушбу иншоотларнинг бунёд этилгани Ўзбекистонда диний бағрикенгликни таъминлаш, ёшларни миллий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш борасида олиб борилаётган ишларнинг амалий натижаси эканлиги таъкидланди.

— Бугунги кунда мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар икки томон учун ҳам манфаатли асосда ривожланиб бормоқда, — деди Баҳрайн делегацияси раҳбари. — Биз юртингиз билан ҳар жабҳада, айниқса, таълим, фан, сайёҳлик, савдо-иқтисодий ва маданий-маърифий соҳалардаги ҳамкорликни янада кенгайтириш тарафдоримиз. Ўйлайманки, ташрифимиз доирасида ўтган учрашув ва мулоқотлар, имзоланган ҳужжат Ўзбекистон — Баҳрайн алоқаларини янада мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшади. Бугунги келишувлар истиқболда янги қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун замин яратади, деб ишонамиз.

**Ирода УМАРОВА,**
**ЎзА мухбири**

## ОЛИЙ МАЖЛИСДАГИ УЧРАШУВ

**МАМЛАКАТИМИЗГА ТАШРИФ БУЮРГАН КУВАЙТ ДАВЛАТИ БОШ ВАЗИРИНИНГ ЎРИНБОСАРИ, ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИ ШАЙХ МУҲАММАД САБОҲ АС-СОЛИМ АС-САБОҲ 7 ИЮНЬ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ СПИКЕРИ ЭРКИН ХАЛИЛОВ БИЛАН УЧРАШДИ.**

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Кувайт ўртасидаги алоқалар барча соҳаларда, жумладан, парламентлараро ҳам ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани таъкидланди. Президент Ислом Каримовнинг 2004 йил январь ойида Кувайтга расмий ташрифи ўзаро муносабатларни ҳар томонлама кенгайтириш учун янги имкониятлар очди.

Учрашувда Ўзбекистон ва Кувайт парламентлари ўртасидаги алоқаларнинг бугунги аҳволи ва истиқболига доир масалалар юзасидан фикр алмашилди. Томонлар икки мамлакат парламентлари ўртасида ўзаро тажриба ва ахборот алмашувини янада фаоллаштириш зарурлигини қайд этдилар.

**Н.МАНЗУРОВА,**
**ЎзА мухбири**

Ички бозорни сифатли пойабзаллар билан таъминлашга интилаётган «Пойабзалчи» акциядорлик жамиятида оёқ кийимларининг замонавий моделларини яратиш йўлида изланишлар олиб борилмоқда.



**СУРАТДА: тикувчи Озода Камолова.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган сурат.**

*«Универсиада — 2007» олдидан*

## СПОРТЧИЛАР УЧУН БАРЧА ШАРОИТЛАР МУҲАЙЁ

**ЎСИБ КЕЛАЁТГАН АВЛОД ЎРТАСИДА СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ КЕНГ ТАРҒИБ ЭТИШ, ЎҚУВЧИ ВА ТАЛАБА ЁШЛАРНИ СПОРТ ВА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ БИЛАН ФАОЛ ШУҒУЛЛАНИШИГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН УЧ БОСҚИЧЛИ УЗЛУКСИЗ СПОРТ ТИЗИМИНИНГ АСОСИЙ БЎҒИНЛАРИДАН БИРИ — «УНИВЕРСИАДА-2007» МУСОБАҚАЛАРИНИНГ БОШЛАНИШИГА ҲАМ ИККИ ҲАФТА ҚОЛДИ.**

Эслатиб ўтамиз, бу сафар Тошкент шаҳри пойтахти этиб белгиланган Универсиада ўйинлари тўртинчи маротаба ўтказилмоқда. Дастлабкиларига эса Наманган, Бухоро ва Самарқанд шаҳарлари мезбонлик қилган. Айни пайтда пойтахтимизда ушбу катта спорт тадбирига қизғин тайёргарлик кетмоқда. «Ёшлик» талабалар шаҳарчасининг Маънавият ва маърифат марказида жойлашган «Универсиада — 2007»га тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича бош штабга мунтазам равишда кунда тегишли манзиллардан тайёргарлик жараёнлари ҳақида ахборотлар келиб тушмоқда.

Ёшлар спорт байрамини юқори савияда ташкил этиш ва ўтказиш мақсадида бош штаб қошида 16 та ишчи гуруҳи тузилган бўлиб, ҳар бири аниқ вазифа билан машғул бўлмоқда. Чунончи, Универсиада низоми, дастури ва жадвалини ишлаб чиқиш, иштирокчиларни жойлаштириш, спортчиларнинг яшаш ҳамда мусобақалар ўтиш жойларида штаблар ташкил этиш, спорт мажмуалари ҳолатини ўрганиш, маданий тадбирлар уюштириш, транспорт таъминоти, пойтахт кўчалари ва мусобақа ўтиш жойларини байрамона безаш юзасидан алоҳида-алоҳида гуруҳлар фаолият юритмоқда, яъни ваколатли идора раҳбари бошчилик қилаётган ҳар бир махсус ишчи гуруҳи аниқ ташкилий масалалар билан шуғулланаётир.

Куни кеча бўлиб ўтган бош штабнинг галдаги йиғилишида барча белгиланган талабалар турар жойларининг «Универсиада — 2007» иштирокчиларини қабул қилишга тайёрлиги юзасидан ахборот маъқулланди. Бу ҳақдаги ҳисоботни эса талабалар турар жойларини бўлажак Универсиадага тайёрлашга масъул этиб тайинланган бирламчи штаблар бошлиқлари — олий ўқув юртлари ректор ва проректорлари беришди.

2400 га яқин «Универсиада-2007» иштирокчилари — спортчилар, мураббий ва ҳакамларнинг Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент Давлат техника университети, Тошкент Темир йўл муҳандислари институти, Тошкент Молия институти, Тошкент Ахборот технологиялари университети ва Тошкент Давлат юридик институтига қарашли талабалар турар жойларида жойлаштирилиши кўзда тутилган.

*(Давоми 2-бетда)*

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

**Янгиликлар, воқеалар**

### Қисқа сатрларда

- **БУГУН** Ўзбекистон тарихи Давлат музейида ташкил этилган кўргазма «Тошкент: кеча ва бугун» деб номланди.
- **КЕЧА** Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида тўқимачилик саноати ва трансфёр технологияси лойиҳасининг аҳамиятига бағишлаб ўтказилган семинарда ўқитувчилар, тўқимачилик саноати мутахассислари иштирок этишди.
- **КЕЧА** мактаб ўқувчиларининг ёзги таътилни мароқли ўтказишлари мақсадида шаҳримизда ташкил этилган ёзги оромгоҳларга Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими ҳомийлигида спорт анжомлари топширилди.
- **БУГУН** Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида истеъдодли ёшлар ўртасида ташкил этилган «Ниҳол» кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи ғолибларига совғалар топширилди.
- **ТАДБИРКОРЛИК** ва кичик бизнесни янада ривожлантириш мақсадида Акциядорлик тижорат «Турон» банки томонидан мижозларга имтиёзли кредит берила бошланди.
- **«КАМОЛОТ»** ЁИҲ Юнусобод туман бўлими Кенгаши ҳамда туман «КРИДИ» — Ногирон оналар ва болалар жамияти ҳамкорликларида **КЕЧА** тарбияланувчилар иштирокида уюштирилган хайрия тадбири Ижтимоий ҳимоя йилига бағишланди.
- **ЯҚИН** кунларда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон телерадиокомпанияси ҳамкорликларида Навоий, Бухоро, Самарқанд шаҳарларида атоқли санъаткор Исмоил Жалилов фаолияти ва ижодига бағишлаб санъат шинавандалари иштирокида хайрия тадбири ўтказилади. **КЕЧА** шаҳримизда ана шу масалага бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

**(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).**

## XXI АСР САДОСИ

**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР**

### МАМЛАКАТИМИЗДА

- **Халқ депутатлари Бухоро вилоят Кенгашининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг жорий йил 23 январда қабул қилинган «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш масалалари муҳокама этилди.**
- **Тошкентда Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси ва БМТнинг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) ҳамкорлигида ювенал адлия соҳасида фаолият юритувчи адвокатлар ва нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари таълим даражасини оширишга бағишланган семинар бўлиб ўтди.**
- **Самарқанд вилояти пиллачилари қабул пунктларига 2480 тонна қимматли саноат хом ашёси топшириб, шартнома мажбуриятини бажардилар. Пайариқ, Жомбой, Ургут, Булунғур ва Самарқанд туманлари пиллачилари вилоят хирмонига салмоқли улуш қўшдилар.**
- **Жиззах Давлат педагогика институтида «Фидойи ёшлар — фахримиз!» мавзуида ёшларни огоҳликка, она-Ватанни асраб-авайлашга даъват этувчи кўргазмали воситалар орқали очиқ мулоқот тарзидаги тадбир бўлиб ўтди.**
- **Янгибозор туманидаги Ширинкўнғирот қишлоғида сутни қабул қилиш ва қайта ишлаш корхонаси ишга тушди. Янги замонавий технологиялар билан жиҳозланган корхона бир кунда 10 тонна сутни қайта ишлаш қувватига эга.**
- **Фарғона шаҳрининг Аҳмад ал-Фарғоний номидаги маданият ва истироҳат боғида анъанавий гуллар ва қушлар байрами бўлиб ўтди. Унда юздан ортиқ корхона ва ташкилот, маҳалла ва таълим-тарбия муассасалари вакиллари ўзлари парваришлаётган анвойи гуллар ҳамда қушлар билан иштирок этди.**
- **Бекобод тумани, Чаноқ қишлоқ фуқаролар йиғини «Нуроний» жамғармаси бошланғич ташкилоти ташаббуси билан меҳнат фахрийларининг Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларига саёҳати уюштирилди.**
- **Чортоқда хусусий шифохона иш бошлади. Замонавий ускуналар билан жиҳозланган «Саховат Шифо Мед» номли мазкур шифо масканида бир пайтнинг ўзида 50 нафар бемор ётиб даволаниш имкониятига эга.**
- **Андижондаги «Ўзтемирйўлтаъмирмаш» механика заводида янги маҳсулотлар — ностандарт металл-конструкцияларни тайёрлаш йўлга қўйилди. Нақшинкор металл тўсиқлар, дарвозалар, шкафлар, иситиш тизими учун титанлар ва қозонлар, дераза ва витрина панжаралари шулар жумласидандир.**

### ЖАҲОНДА

- **Кеча Германиянинг Хайлигендам курорт шаҳрида «катта саккизлик» давлатлари саммитининг биринчи куни якунланди. Унда етакчилар табиий муҳитнинг ялпи исишига қарши ҳамкорликда чора-тадбирлар кўриш, эркин савдо муҳитини яратиш ва ривожланаётган мамлакатларга молиявий ёрдам кўрсатиш масалаларини муҳокама қилдилар. Бироқ бутун дунё нигоҳида Россия ҳамда АҚШ давлатлари президентларининг учрашуви бўлди.**
- **Кеча Ливан пойтахтидан 20 километр нарироқда содир этилган террорчилик ҳаракати — миналаштирилган автоуловнинг портлатилиши натижасида бир киши ҳаётдан кўз юмди, уч киши турли даражадаги тан жароҳатларини олди.**
- **Собиқ Югославия бўйича Халқаро трибунал Бош прокурори Карла дель Понте Сербиянинг Европа Иттифоқига кириши юзасидан музокараларни тиклашни таклиф қилмоқда. Таъкидлаш керакки, ўтган йили Сербия ҳукумати ҳарбий жиноят содир этганликда гумон қилинаётган шахсларни халқаро судга топширмаганлиги учун унинг ЕИга кириши юзасидан музокаралар тўхтатиб қўйилганди.**
- **Коста-Рика Президенти Оскар Армас Хитой билан дипломатик муносабатлар ўрнатилганини билдирди. Шу ойнинг бошида ҳар иккала давлат ташқи ишлар вазирлари биргаликда коммюнике имзолашган эди. Унга кўра, Коста-Рика Тайванни Хитойнинг бир қисми сифатида билади ва барча муҳим масалаларда фақат расмий Пекин билан музокаралар ўтказади.**
- **Кеча Сочида футбол бўйича ногиронлар ўртасида халқаро турнир бошланди. Турнир ғолиби 12 июнда аниқланади ва унга Халқлар Дўстлиги кубоги топширилади.**
- **АҚШлик дунёнинг биринчи рақамли миллиардери Билл Гейтс ниҳоят университетни тамомлашга муваффақ бўлди. 2007 йил 7 июнь куни Гейтс Гарвард университетининг дипломини олди. Microsoft корпорациясининг раҳбари бўлмиш миллиардер бу университетга 1973 йилда ўқишга кириб, ундан ҳайдалган ва кейинчалик ўқишни қайта тиклаган эди.**
- **Марокашнинг шарқида жойлашган Беркан шаҳридан 20 километр нарироқда қазиш ишларини олиб бораётган бир гуруҳ археологлар тайёрланганига 82 минг йил бўлган чиғаноқдан манзарали тарзда ясалган тақинчоқни топдилар. Мутахассислар ушбу топилмаларни дунёдаги энг қадимий маржонлар сифатида баҳоламоқдалар.**

### ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология хизмати марказининг маълум қилишича, 9 июнь куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 14-16, кундузи 32-34 даража иссиқ бўлади.







# СПОРТЧИЛАР УЧУН БАРЧА ШАРОИТЛАР МУҲАЙЁ

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

Мазкур спорт байрами қамровидан келиб чиққан ҳолда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қарори билан бу йилги ёзги имтиҳон даври 1 июнга қадар якунланди. Пойтахтимиздаги талабалар турар жойларида истиқомат қилувчи тўққиз мингдан зиёд ўғил-қизларимизнинг аксарияти имтиҳонларни муваффақиятли топшириб, уйларига жўнаб кетишди. Айни пайтда эса талабалар турар жойларини тегишли тарзда таъмирдан чиқариш, санитария тизимлари ҳамда яшаш хоналари жиҳозларини янгилаш ишлари деярли тугатилди. Талабалар уйларига кириш фойелари саранжом ва саришта ҳолатга келтирилган. Спортчиларга яхши ҳордиқ чиқариш учун дам олиш ҳамда маънавият ва маърифат хоналарида барча шарт-шароитлар яратилган. Мусобақа кунларида эса кутубхона, компьютер заллари, тиббиёт хоналарининг куну тун ишлаши таъминланади.

— Ўзбекистон Миллий университети негизида талабалар учун саккизта турар жой бинолари бўлса, шундан 440 та ўринга мўлжалланган учтаси Универсиада иштирокчиларига хизмат кўрсатади, — дейди мазкур олий ўқув юрти проректори Асқар Ниғматов. - Ҳар бирида спортчиларнинг дам олиши, овқатланиши учун барча шарт-шароитларни яратиш борасида тегишли мувофиқлаштириш ишлари зиммасига юклатилган штаблар ташкил этилган. Универсиада тугагунга қадар фаолият юритувчи бу бирламчи штабларга ҳам олий ўқув юртлари ректор ва проректорлари раҳбарлик қилмоқда. Юқорида айтиб ўтилганидек, ҳозирда деярли барча объектларда жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилди ва ўйлайманки, бу ерда яратилган қулайликлар ва имкониятлар жиҳатидан талабалар турар жойлари уч юлдузли меҳмонхоналар талабига тўлиқ жавоб беради, десам муболаға бўлмайди. Жамоат тартибини сақлаш, санитария талабларига риоя этиш, касалликларнинг олдини олиш борасида ҳар бир спорт мусобақалари ўтказиладиган манзиллар каби, Универсиада иштирокчиларининг турар жойларида ташкил этилган штаблар таркибига ҳам кечаю-кундуз хизмат кўрсатувчи ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари, тиббиёт ходимлари, транспорт, овқатланиш, электр, газ, сув таъминоти бўйича масъул шахслар киритилган. Бундан ташқари, спортчилар илтимосига биноан мусобақалар ўтадиган манзиллар, овқатланиш шохобчалари, дам олиш жойларига йўналтирувчи кўрсаткичлар ўрнатилган.

Бош штабдан олинган маълумотга кўра, бу йилги Универсиада ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради. Масалан, илк марта спортчилар турар жойларида ҳар куни мусобақа олдидан давлатимиз мадҳияси садолари остида Универсиада байроғини кўтариш маросими режалаштирилган бўлиб, бу тадбирга анъанавий тус бериш мақсадида кейинги ёшлар ўйинларида ҳам жорий этиш кўзда тутилмоқда.

Ўзбекистон Миллий университетига қарашли талабалар турар жойларида жойлашадиган спортчилар асосан қўл тўпи, сузиш, стол тенниси каби мусобақаларда иштирок этади. Бундан ташқари, мазкур олий ўқув юртининг спорт мажмуалари майдончаларида шунингдек, футбол ва баскетбол бўйича беллашувлар бўлиб ўтади.

Мусобақа иштирокчиларига шу ернинг ўзида жойлашган ёшлар қаҳвахонасида тўрт маротаба иссиқ таом тановул қилиш учун шароит яратилган. Мазкур овқатланиш шохобчаси айнан Универсиадага тараддуд кўриш олдидан тубдан таъмирдан чиқарилиб, барча жиҳозлари ҳам янгиланди. Олд қисми атрофида эса очиқ саҳна ташкил этилаётган бўлиб, бу ерда мусобақа кунлари ҳаваскор ва профессионал артистлар спортчи ёшларимизни ўз концерт дастурлари билан хушнуд этишга шай бўлмоқдалар. Бундан ташқари, худди шундай саҳнанинг «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокимлигига яқин ҳудудда ҳам ташкил этилиши мўлжалланган.

— Фурсатдан фойдаланиб, университетимизга қарашли талабалар турар жойларида таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларига бевосита кўмаклашган Яккасарой тумани ҳокимлигига миннатдорчилик билдирмоқчиман, — алоҳида таъкидлаб ўтди Асқар Ниғматов. — Бу ҳудуддаги асфальт қопламаси янгиланди, 28 мингдан зиёд гул, беш мингдан зиёд манзарали дарахтлар экилди, райграс чимлари ёткизилди. Турар жойлар ташқи деворларини таъмирлашда эса альпинист гуруҳларнинг хизмати катта бўлди. Назаримда, ўрни келганда, шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, барча ободонлаштириш ва таъмирлаш ишларида талабаларимиз ҳам фаол иштирок этди, бу эса, шубҳасиз, уларнинг ўз уйи, ўз яшаш жойларини тоза ва тартибли сақлаш борасидаги масъулиятини янада кучайтиради. Университетимиз ёшларининг спортдаги имкониятларига келсак, улар олдинги Универсиада ўйинларида яхши натижалар кўрсатишган. Ният қиламизки, бу сафар ҳам Ўзбекистон Миллий университети номидан жамоа таркибида иштирок этаётган 18 нафар талабамизнинг ҳар бири ишончимизни оқлашга ҳаракат қилади ва шахсий таркибда ёки умумжамоа ҳисобида албатта совринли ўринларни эгаллайди.

**Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА**

**Наталья Семёнова олган суратлар**

## НАФОСАТ ОЛАМИГА САЁҲАТ

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИДА ЎТКАЗИЛГАН "НАФОСАТ ОЛАМИДА" ДЕБ НОМЛАНГАН КЕЧАДА РЕСПУБЛИКА НАФИС САНЪАТИ МАКТАБ-ЛИЦЕЙИ ЎҚУВЧИЛАРИ ЧИЗГАН РАСМЛАРНИНГ ТАҚДИМОТИ ЎТКАЗИЛДИ.**

— Ўқувчиларимизнинг ижод намуналари тақдимотини ўтказиш ва энг муносибларини кутубхона залларига осиб қўйиш ҳақидаги таклифимиз зиё маскани жамоасига маъқул тушди, — деди ёшларнинг устози Абдураҳмон Нурқобилов. — Миллий кутубхонада бундай тақдимот илк бор ўтказилаётган бўлиб, шу давргача республикамизнинг олий илм даргоҳларида, Ўзбекистон Бадиий Академияси замонавий санъат маркази, Ҳиндистон маданият марказида мунтазам ўтказиб келинмоқда. Аввало, маданият, санъат ва зиё масканларида ёшларнинг асарлари намойиш этиб турилиши уларга маънавий мадад бериб, янада самарали, фаол ижод қилишга ундайди.

Бундан буён вақти-вақти билан мактабимиз ўқувчиларининг янги ижод намуналари кутубхонада намойиш қилиб борилади.

Истеъдодларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳар йили ёш рассомларнинг республика кўрик-танлови ўтказилаяпти. Мактабимиз битирувчиси Умиджон Файзиев мазкур танловда биринчи ўринни эгаллаб олий ўқув юртига тест имтиҳонларисиз кириш ҳуқуқини қўлга киритди. Бундан ташқари тўрт нафар йигит-қизимиз Ҳиндистонда ўтган "Шанкар" номидаги халқаро расм чизиш танловида қатнашиб кумуш медаль соҳиби бўлишди. Бундай нуфузли халқаро танловларда юқори ўринларни эгаллаган ёш рассомларимиз ҳам республикамиз ҳукумати қарорига асосан қатор имтиёзлардан фойдаланмоқда.

Мактабни битириб чиққан кўплаб ёшлар Низомий номидаги педагогика университетининг графика факультети, Қурилиш ва архитектура институти, Беҳзод номидаги миллий рассомчилик ва дизайн институтида таҳсил олмоқда.

— Даргоҳимизда ўтказилаётган ва анъанага айланиши мумкин бўлган маданий тадбирларнинг сони яна биттага ортди,—деди Миллий кутубхонанинг бўлим мудири Шавкат Алимов.—Кутубхона — муқаддас даргоҳ. Мактаб ўқувчисидан тортиб академиккача бу маскан остонасига қадам қўяди. Китобхонларда ёш рассомларнинг ижоди билан танишиш имконияти пайдо бўлганлиги айни муддао бўлди. Ҳақиқатан ҳам бу даргоҳга ёш рассомларнинг энг муносиб асарлари тақдим этилди. Масалан, 11-синф ўқувчиси Жасур Ҳожиевнинг "Қиш", "Оқшом", "Дарахтлар", "Кўл", "Ўтлоқ" деб номланган расмларига разм солсангиз, табиатнинг такрорланмас гўзалликлари нозик дид билан тасвирланганлигини ҳис қиласиз.

**Ҳусан СУЛАЙМОНОВ,**
**«Туркистон-пресс»**

*Маънавият*

## УНИВЕРСИТЕТНИНГ ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ

**МАМЛАКАТИМИЗДАГИ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА ЧОП ЭТИЛАЁТГАН ИЛМИЙ АХБОРОТНОМА НАШРЛАРИ СОНИ ЯНА БИТТАГА ОРТДИ.**

Тошкент Ахборот технологиялари университети муассислигида чиқа бошлаган бу илмий-педагогик журнал «Университет хабарлари» деган номда тақдим этилди.

Ахборот технологиялари, радиотехника ва телекоммуникация тизимлари соҳасидаги ютуқлар ушбу нашрда мунтазам ёритиб борилади. Медиа-таълим ёндашувига оид педагогик технологияларга бағишланган мақолалар билан ҳам шу журнал орқали яқиндан танишиш мумкин.

Унинг саҳифаларида Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, шунингдек, унинг корхона ва муассасаларида амалга оширилаётган илмий-техник жараёнларга ҳам кенг ўрин берилди.

Журналда босилган мақолалар шарҳи эса ўзбек, рус ва инглиз тилларида берилади.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

## КЎНГИЛ БУЮРГАНИНИ ҚИЛИНГ

Андижон сафарида тўрт киши ҳамроҳ бўлдик. Бир-биримизни мутлақ кўрмаган-билмаган кишилар бир машинада борар эканмиз, йўл-йўлакай танишув бошланди. Шу аснода суҳбатимиз қизиди.

— Одам тафтини одам олади, деганлари рост. Ҳар қалай кўпчилик яхши. Гурунглашиб манзилингга етганингни билмай қоласан, — деди орамиздаги кекса киши Холиқ ака.

— Отахон, — менга мурожаат қилди орқа ўриндиқда ўтирган Каримжон исмли яна бир ҳамроҳимиз. — Мана сиз матбуотда ишлар экансиз. Бошимдан ўтган бир воқеани айтиб берсам, уни газетада чиқара оласизми?

— Агар эътиборли, кўпчиликка ибратли бўлса албатта чиқарамиз.

— Бўлмаса эшитинг. Оиламиз катта эди. Онамиз серфарзанд бўлганлари учун ишламасдилар. Отамизнинг ойлик маоши билан ўн жон кун кечирардик. Бош ўғил бўлганим учун ўрта мактабни

## ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН

# ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

битиришим билан корхонага ишга кирдим. Отам: «Болам, биз ўқимадик, сен қандай бўлмасин ўқигин. Илмда ҳикмат кўп», — дедилар. Ота сўзи амри вожиб. Политехника институтининг сиртқи бўлимига ўқишга кирдим. Ҳам ишлаб, ҳам ўқидим.

Учинчи йили тўй тараддуди бошланди. Биз ака-укалар ҳаммамиз ўғил бўлганимиз учун оиламизга келин зарур эди. Бу вақтга келиб онамиз бетоб бўлиб ётиб қолдилар. Келин қидириб узоққа бормадик. Қўшни қиз Мастура билан тўйимиз бўлди. Биласиз, тўй қилишнинг ўзи бўлмайди. Қарз кўтаришга тўғри келди. Бой-бадавлат оиладан чиққан мактабдош ўртоғимникига бош эгиб бордим. У ота-онасининг ёлғиз ўғли бўлиб айтгани айтган, дегани деган эди. Ҳали еттинчи синфда ўқиб юрган кезларимиздаёқ отаси унга ўша вақтда энг қимматбаҳо бўлган янги «Волга» машинасини олиб берганди. Ўша ўртоғим Хуршид университетнинг тарих факультетида ўқиётган эди. Унга уйланаётганимни айтдим. Табриклади. Охири ийманиб етишмовчилик бўлиб турганини айтиб бир йилда қайтариб бериш шарти билан қарз сўрадим. У илтимосимни эшитар-эшитмас сўзимни бўлди.

— Бе, бизда бунақа пул қаёқда дейсан. Агар шундай бўлса, мен ўзим аллақачон уйланиб олмасмидим.

Хуллас уйга қуруқ қўл билан қайтдим. Яхшилар ёрдамида тўйим бўлиб ўтди. Сидқидилдан ишладим. Бу орада ўқишим битди. Йил ўтиб корхонага директор бўлдим. Шу йиллар ичида Хуршид уч марта уйланди. Ҳар гал тўйи шоҳона ресторанларда ўтди. Лекин орадан йил ўтмай, хотини билан ажралишаверди. Уни пул қутуртирди. Мастликда машина ҳайдаб болали хотинни босиб кетиб қамалди. Ота-она ёлғиз фарзандининг бу ҳолга тушишидан куя-куя оламдан ўтди. Кўп ўтмай, Хуршид қамоқдан қайтди. Шундай кунларнинг бирида «Хуршид бутун мол-мулки, отасидан қолган данғиллама участкасини қиморга бой бериб қўйибди», — деган гапни эшитдик.

Бир куни уни кўчада учратиб қолдим. Маст, оёғида аранг турарди. Раҳмим келди.

— Менга қара, — дедим, — қачонгача шунақа қилиб юрасан? Эртага ишхонамга бор. Ўша ердан сенбоп иш топиб бераман.

Бу сўзимдан кўнгли эриб, у йиғлади. Бўйнимга осилиб, ҳақиқий дўстимсан» деб мени мақтаган бўлди.

Уни ишга жойладим. «Ичмайсан, бемаъни йўлга юрмайсан» дедим. У ваъда берди. Ишлаб кетди. Уй-жойи йўқ бўлгани учун бизнинг уйимизда яшаб турди. Мендан миннатдор бўлди. Бир йил ўтиб катта жамоага бригадир бўлди. Менинг ёрдамимда йил сайин мансаб пиллапоясидан кўтарила бориб, директор ўринбосари даражасига етди. Шаҳар марказидан уй олди. Уйланди, тўйига ўзим бош бўлдим. Шундан кейин яна унда манманлик, ўзгаларни кўролмаслик касали бошланди. Огоҳлантирдим, тартибга чақирдим. Корхона ишчилари ўртасида тарафкашлик бошланди. Хуршиднинг ҳимоячилари кўпайди. Охири менинг ўрнимга кўз тикди.

Корхонада йиллик ҳисобот йиғилиши бўлди. Йиғилишда қатнашган раҳбарлар олдида биринчи бўлиб Хуршид менинг ишимдан норози бўлиб гапирди. Кейин унинг тарафдорлари бирмабир сўз олди. Хуллас шу куни мен ишдан кетдим. Хуршид корхонага директор бўлди.

Икки-уч кун ўтиб унинг ҳузурига бордим. Мени зўр-базўр қабул қилди. Шу ерда узоқ йиллар ишладим. Корхонадан кетгим йўқ. Жамоамиз катта. Менга лойиқ иш топилиб қолар шу ерда, деган гапни айтдим.

Сўзим оғзимда қолди.

— Йўқ, — деди у кескин. —Икки қўчқорнинг боши бир қозонда қайнамайди. Сен бошқа жойдан иш қидир.

Ранжиб уйга қайтдим.

Иш топилди. Меҳнат қилган киши кам бўлмас экан. Ҳаммаси ортда қолди. Ҳозир бошқа бир корхонада раҳбар бўлиб ишлаяпман.

Яқинда эшик қўнғироғи жиринглаб қолди. Чиқсам, Хуршид турибди. Орамизда ҳеч нарса бўлмагандек мен билан қучоқлашиб кўришди. Ҳол-аҳвол сўрашиб бўлгач, мақсадга ўтди. Вазифасидан бўшатилиб, мендан яна иш сўраб келибди.

— Ўйлашиб кўраман, —дедим бу сафар. — Айтинг отахон, нима қилай. Унинг илтимосини қабул қилайми, йўқми?

Мен нима ҳам дердим. Кўнгил буюрганини қилинг, дедим.

## УЙНИНГ ЭГАСИ БОР

—Мени таниётгандирсиз. Мен Ҳанифа холанинг келинлари Рухсора бўламан.

Оқсоқол башанг кийинган аёлга бир зум термулиб қолди.

— Нега танимай, энди танидим. Ҳар қалай узоқ кўришмаганингдан кейин кўзингга ишонгинг келмай қоларкан киши. Яхши келдингизларми? Қодиржон қани?

— У киши келолмадилар. Ишлари кўпайиб кетди. Сен бориб онамизнинг битта маъракаларини ўтказиб кела қол дедилар.

— Келмагани чакки бўлибди. Дафн маросимига қатнаша олмаганига яраша онасининг хотирасини қилиб келса бўларди.

— Ўзлари ҳам афсусдалар. Ўчакишгандек ўша кунлари докторлик диссертацияси ҳимояси орқасидан елиб-югуриб юрган эдилар. Келди-кетди бўлиб турганди. Москва билан Тошкент ораси бир қадам бўлсаки, югуриб бориб келсалар.

— Чакки бўлибди, келин. Манзилларингизни қидириб-топиб шошилинч телеграмма жўнатдик. Сим қоқдик. Сизлар келасизлар деб атайлаб дафн маросимини бир кунга кечиктирдик. Онабола бир неча йиллар айриликда яшашди, ҳеч бўлмаса Қодиржон онасининг совуқ дийдорига тўйсин. Ахир ёлғиз ўғил, онасини ўз қўли билан қабрга қўйсин. Кейин, армон бўлиб қолмасин, дедик. Афсус келмадинглар. Онаизорни ёлғизлигини билдирмадик. Бутун маҳалла кўмди уни. Маъракалар учун кетадиган барча харажатларни ён қўшниси Исроилжон бўйнига олди.

— Айтдимку, ноилож эдик деб. Ҳаммаларингга раҳмат. Онамиздан қолган бир хонали уйни сотсак сизларни ҳам қуруқ қўймаймиз ахир.

Келиннинг ташрифидан асл мақсадини оқсоқол энди тушуниб етди. У билан гап сотиб ўтириш беҳуда эканлигини билиб дангалига ўтди.

— Уйни сотиш учун кечикдингиз, келин. Кампирдан қолган уйнинг эгаси бор ҳозир. Билсангиз Ҳанифа хола икки-уч йил ётиб қолдилар. Онахоннинг ҳоли, иссиқ-совуғидан Исроилжоннинг оиласи хабардор бўлиб турди. Кампир кўзи тириклигида уйни шу меҳрибон қўшнисининг номига расмийлаштириб берган экан.

Рухсоранинг ранги оқарди, гезарди.

— Вой, ёлғиз ўғли, келини, набиралари бўла туриб, нега уй етти ёт бегона бир кишига расмийлаштириб бериладi. Ахир сизлар нега қараб турдинглар? Ўша Исроилжонингиз кампирга берган уч-тўрт коса ювиндисига бутун бошли уйга эгалик қиладими? Уйнинг хўжайини борку ахир.

— Келин, энди буни биз эмас, суд ҳал қилади. Боринг, ўшаларга учрашинг. Агар улар сизнинг номингизга ажрим чиқариб беришса ана ундан кейин ихтиёр сизда. Сотасизми, қоласизми, ўзингиз биласиз.

Рухсора жаҳл билан идорани тарк этди. Беш-олти кун елиб-югурди. Исроилжон билан учрашиб, уришиб-талашди. Мақсадига эришолмагач, яна оқсоқол ҳузурига қайтди.

— Мен кетяпман. Энди укангизнинг ўзлари келиб масалани ҳал этиб кетадилар. Кўрамиз, у кишига нима деб жавоб берар экансизлар.

Йўқ, Қодиржон келмади. Рухсора ҳам шу кетгандан бошқа қайтмади. Ҳар қалай эр-хотин маҳалла-кўй ўртасида яна такрор шарманда бўлишни хоҳлашмади шекилли, тақдирга тан беришди. Яна ким билсин?

## ОЗ-ОЗ ЎРГАНИБ ДОНО БЎЛУР...

# МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

### *ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ*

### *ҲИКМАТЛАР*

**Осмон эрдир, замин чун хотини,**
**Ҳар не экса, ер етиштиргай шуни.**

**Ерга парвона ҳамиша осмон,**
**Эр киши хотиндин айлангансимон.**

* * *

**Кун ва тун зоҳирда душмандир магар,**
**Аслида яхлит ҳақиқат, бир самар.**

**Бир-бирига талпинурлар доимо,**
**Бирлашиб, ишларни этгайлар адо.**

* * *

**Жон тилар дунёда ҳикмат ҳам улум.**
**Тан тилар лек боғу бўстону узум.**

**Гар киши бир нарса истар ҳар куни,**
**Истаган ул нарса ҳам истар уни.**

* * *

**Азму жазм ичра кечаркан турмушинг,**
**Гоҳ-гоҳи ўнгидин келгай ишинг.**

**Бермаса мутлақ муродингни магар,**
**Ноумид қолгай эдинг сен, беамал.**

* * *

**Не эмиш гар ғолиб эрса неча бор.**
**Ҳар кишини ғолиб этгай рўзгор.**

* * *

**Мушк ила анбарни эзсанг, ул нетар,**
**Ҳаммаёқни атри гулрайҳон тутар.**

**Боссалар эшшак тезакни ногаҳон,**
**Ҳаммаёқ бадбўйга тўлгайдир ҳамон.**

* * *

**Қайда дилбар эрса сенга ҳамнишин,**
**Гумбази кўкдир ўшал зери замин.**

* * *

**Қувма қочганни, йиқилганни ая.**

* * *

**Оқил улким, эртани кўргай кўзи.**

* * *

**Ёш бола мактабни асло истамас,**
**Фойдасидан чунки ул огоҳ эмас.**

* * *

**...дўст дийдоридир—оби ҳаёт.**

* * *

**Тингламоқ икки тарафни—эътибор,**
**Шунда бўлгайдир ҳақиқат ошкор.**

* * *

**Бандалик не, салтанат не—маълум ул,**
**Ишқ уларнинг иккисидин сирлидир.**

* * *

**Гар жаҳонда ой тўлиб, порлар қуёш,**
**Сен эсанг ҳар дам эгарсен чоҳга бош.**

* * *

**Ҳайрат баҳсу фикратга монеъ.**

* * *

**Далолат этилган нарсага эришилгандан сўнг ҳам далил изламоқ ноўрин, билинган нарсага яна вақт сарфламоқ— нодонлик.**

* * *

**Илму дониш жуфт қанотлидир, шубҳа-гумон бир.**

**Инсонларга берилган ақллар азалдан фарқлидир.**

* * *

**Тан —руҳнинг либоси.**

* * *

**Эҳтиёж—бир нарсага эришмоқнинг далили.**

* * *

**Дунё кўзга кенг кўрингани билан аслида тордир.**

* * *

**Ғафлат, ғам, танбаллик ва қоронғилик барчаси ер ва тубанлик маҳсули бўлмиш бадандандир.**

* * *

**Ҳар ҳайвон ўз душманини ҳидидан билар ва ундан ўзини эҳтиёт айлар.**

* * *

**Чекиниш, қочиш, қарши туриш мумкин бўлмаган вазиятда биров билан душманлик қилган кимса ўзини машаққату маҳрумиятларга дучор этгай.**

* * *

**Бир нарсани мисол ва тақлид воситасида билиш ила унинг асл моҳиятига етиш ўртасида тафовут бор.**

**Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган**

*Ҳурматли Эркин ака Саидаҳмедов!*



*Сизни қутлуғ 70 ёшга тўлганингиз муносабати билан қизғин муборакбод этамиз.*

*Сиз кўп йиллар давомида «Шарқ» НМАКда меҳнат қилиб обрў-эътибор қозондингиз.*

*Табаррук ёшингиз билан қутлар эканмиз, сизга мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр, оилавий бахт тилаб қоламиз.*

**«Шарқ» НМАК жамоаси**

